

ТИББИЁТ ҲАМШИРАЛАРИДА КАСБИЙ ВА РУХИЙ ЗЎРИҚИШ СИНДРОМИ

Бокиева М.Б., Маткаримова М.И., Маматкулов И.Б.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент, Ўзбекистон.

Мавзунинг долзарблиги. Эмоционал зўриқиши синдроми бу хиссий, рухий, жисмоний чарчоқ натижасида келиб чиқувчи сурункали стрессидир. Ушбу синдромнинг ривожланиши биринчи навбатда қуйидаги касблар учун ҳарактерли ҳисобланади: соғликини сақлаш ҳодимлари, ўқитувчилар, психологияр, ижтимоий ишчилар, кутқарувчилар, хукукни муҳофаза қилиш органи ҳодимлари, ўт ўчирувчилар.

Мавзунинг мақсади. ТошПТИ клиникасининг тиббий ҳодимларида рухий зўриқиши синдромини аниқлаш.

Материаллар ва тадқиқот усуслар. Тадқиқотда сўровнома усулидан фойдаланилди. Тадқиқот Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиникаси реанимация ва анетезиология бўлимидаги 54 та тиббиёт ҳодимлари: 38 нафар ҳамшира-анестезистка ва 16 нафар кичик ҳамшираларда ўтказилди. Қатнашганларнинг ёши 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган тиббиёт ҳодимларини ташкил қиласди. Тадқиқотда қуйидаги методологиялардан фойдаланилди:

1) В.В.Бойко-рухий зўриқиши даражасини аниқлашга қаратилган усул;

2) А.А.Рукавишников-аклий зўриқиши даражасини аниқлашга қаратилган усул;

3) В.А.Ядова- коникиш даражасини аниқлашга қаратилган усул;

Тадқиқот натижалари. Хиссий эмоциялар орасида чарчашиб профессионал мотевация биринчи ўринига чиқди. Ҳамширалар учун 39 балл, кичик тиббиёт ҳодимлари учун 36 балл. Ўрта тиббиёт ҳодимларида психоэмоционал

зўриқиши 32 балл, кичик тиббиёт ҳодимларида 30 балл. Улардаги сурункали зўриқиши эмоционал ва физик чарчоқ атрофагиларга нисбатан бефарқлик ва совукқонлик белгилари билан намоён бўлади. Тадқиқот натижасида хиссий чарчашиб даражаси ҳамширалар орасида 50 %, кичик тиббиёт ҳодимларида 25 % аниқланди. Чарчоқ аниқланган ҳамширалар орасида 62% юкори даражада эмоционал зўриқиши ва 12%ида жуда юкори даражали рухий чарчоқ аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра, тиббиёт ҳодимларида рухий зўриқишининг босқичлари аниқланди. Бундай холда резистент босқичи ҳамширалар учун 55,5 балл, кичик тиббиёт ҳодимлар учун 49,5 балл. Симптомларнинг оғирлигини киёсий тахлил қилиш эмоционал зўриқиши доминант эканлигини кўрсатади. Зўриқишининг қуйидаги алломатлари мавжуд: хиссий дефицит 16,9 балл, селектив хиссий муносабатларнинг етарли эмаслиги ҳамширалар учун 16,8 балл, кичик тиббиёт ҳодимлари учун 14,9 балл, касбий вазифаларни қискартириш 14,7 балл. Умумий қуйидаги натижалар олинди: ташвиш ва тушкунлик 7,4 балл, кичик тиббиёт ҳодимларига 7,3 балл.

Хулоса.

1. Хиссий стресс қанчалик баланд бўлса, ишдан қоникиш даражаси паст бўлади.

2. Ишдан қоникиш даражаси паст бўлса, рухий стресс ривожланишига хисса қўшади.